

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖОНИЕВ ФАХРИДДИН ҚЎЛДОШЕВИЧ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ПЕДАГОГИКАСИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ  
АКСИОЛОГИК АСОСЛАРИ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on  
Pedagogical sciences**

**Жониев Фахриддин Қўлдошев**

Олий таълим педагогикасини модернизациялашнинг аксиологик асослари ... 3

**Жониев Фахриддин Қулдашев**

Аксиологические основы модернизации высшего педагогического  
образования ..... 25

**Joniev Faxriddin Quldoshevich**

Axiological basis for the modernization of higher education pedagogy ..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 51

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖОНИЕВ ФАХРИДДИН ҚЎЛДОШЕВИЧ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ПЕДАГОГИКАСИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ  
АКСИОЛОГИК АСОСЛАРИ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2017.4.PhD/Ped335 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://samdu.uz/ixtisoslashgankengash>) ва “ZiyoNET” Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Дониёров Алишер Худойбердиевич тарих фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Тайланова شوҳида Зайниевна педагогика фанлари доктори, доцент Аҳмедов Фурқат Қўлдошев педагогика фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги фалсафа доктори илмий даражасини берувчи PhD,03/30.01.2020.Ped.02.06 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил “5” феврал соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиебони, 15-уй, Тел.:(0366) 239-12-29; факс:(0366) 239-17-14; E-mail: samdu\_ped\_kengash@umail.uz.

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (7 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиебони, 15-уй, Тел.:(0366) 239-11-51).

Диссертация автореферати 2022 йил “20” Январ да тарқатилди.  
(2022 йил “20” Январ даги 18 - рақамли реестр баённомаси).



**Х.И.Ибраимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, педагогика фанлари доктори, профессор

**Ш.Р.Ураков**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Н.Ш.Шодиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, педагогика фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда янгича ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муносабатларнинг ривожланиши, дин ҳамда миллийлик ниқобидаги экстремизм ва халқаро терроризмнинг кучайганлиги шароитида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда миллий ҳамда умуминсоний кадриятлар ва миллий менталитетга асосланган педагогик категориялар, қонуниятлар ҳамда тамойилларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда муайян давлатнинг таълим-тарбия тизимидаги аксиологик ёндашув жараёнининг маънавий-ахлоқий мазмунини ривожлантириш, талаба-ёшлар онгига юксак маънавият ва инсонийликнинг миллий анъаналарига содиқлик руҳини чуқур сингдириш ҳамда танқидий тафаккурни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, олий таълим педагогикаси мазмунини аксиологик ғоялар асосида бойитиш, халқона кадриятлар ҳамда миллий ўзликни тўғри англаган эркин ва фидоий талабаларни интеллектуал жиҳатдан ривожлантириш механизмларини модернизациялаш устувор вазифага айланмоқда.

Дунё илм-фани тизимида олий таълим муассасаларида таълим-тарбиянинг аксиологик модернизациялашган шаклини жорий этишга қаратилган кенг кўламли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, модернизацион аксиологик таълим-тарбия масалаларининг қўйилиши, таълим-тарбия жараёнига оид аксиологик ёндашувлар ва Шарқ мутафаккирларининг қарашларида билим асосида фаровон турмушга етишиш муаммолари йўналишидаги тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, ҳозирги кунда ўқитишнинг дидактик асосларини миллий кадриятлар тамойили бўйича фундаментал ва амалий билимлар негизида такомиллаштириш, ўқув материалларини тартибга келтириш ҳамда аниқлаштиришга қаратилган изланишлари заруратини вужудга келтирмоқда.

Мамлакатимизда миллий ва умуминсоний кадриятлар намуналари асосида ёшларга таълим бериш ҳамда тарбиялаш, миллий ўзлигини англаш, Ватан, миллат ва урф-одатларига содиқлик ҳиссини шакллантиришда аксиологик ёндашув асосида педагогик тизимни модернизациялашнинг меъёрий-услубий таъминотини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. "... Ягона мақсадимиз – таълимнинг барча босқичидаги муассасаларни “Учинчи Ренессанс”нинг 4 та узвий ҳалқасига, боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий ижодий зиёлиларимизни эса “Янги Уйғониш даври”нинг 4 та таянч устунига айлантиришдир<sup>1</sup>. Шу боис бугун таълим тизимининг энг муҳим вазифаси – ёш авлодга аксиологик ғоялар сингдирилган дастур асосида пухта таълим бериш, уларни жисмоний ва маънавий етук инсонлар этиб тарбиялашнинг модернизацияланган тизимини илмий асослаш муҳим аҳамият касб этади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 9 сентябрь куни Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг X съездидаги “Янги Ўзбекистон – инсон қадрли устувор бўлган жамият ва халқпарвар давлатдир” деб номланган маърузаси //Бу ҳақда қаранг: O'zLiDeP (uzlidep.uz). <http://strategy.regulation.gov.uz>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. ”Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Модернизацион аксиологик таълим-тарбия масалаларининг қўйилиши масалалари Н.Шодиев, А.Ч.Чориев, Н.С.Киямов, Х.А.Шайхова, Б.Ғ.Зиёмухаммедов, З.Д.Давронов, Қ.Н.Назаров, М.Тожиев, М.М.Қаҳҳорова, Г.Х.Тиллаева ва Д.Ҳабибуллаева каби олимлар томонидан тадқиқ этилган<sup>2</sup>. Шунингдек, муаммога оид маълумот ва назарияларни машҳур файласуфлар – Аристотель ва Луций Анний Сенекалар аксиологик қарашларни инсон руҳиятининг ахлоқий такомилли деб билиб, қадрият категорияси сифатида талқин этганлар<sup>3</sup>.

Марказий Осиё педагогикаси тарихида Кайковус, Абу Наср Форобий, Нажмиддин Кубро, Имом ал-Бухорий ва Алишер Навоийнинг қарашларида билим асосида фаровон турмушга етишиш, эзгулик ҳамда ёвузлик ўртасидаги курашда таълим-тарбиянинг муҳимлиги, баркамол авлод тарбияси учун нафақат оила, шу билан бирга, бутун жамоа аъзолари масъуллиги тўғрисидаги ғоялар илгари сурилган<sup>4</sup>. Шунингдек, Я.А.Коменский, И.Г.Песталоцци ва В. А. Сухомлинский каби машҳур педагогларнинг илмий асарларида таълим-тарбия жараёнига оид аксиологик ёндашувлар ўз аксини топган<sup>5</sup>.

<sup>2</sup>Бу ҳақда қаранг: Шодиев Н., Чориев А., Киямов Н., Шайхова Х. Инсон ва унинг маънавий дунёси. – Тошкент, 1993.– Б. 9.

<sup>3</sup> Аристотель. Сочинения: В 4-х т. Т.4. –М.: Мысль, 1983; Сенека Луций Анний. Нравственные письма к Луцилию. –М.: Наука, 1977.

<sup>4</sup> Кайковус. Қобуснома; Шайх Нажмиддин Кубро. Қўнглим кўзи билан кўрганларим / Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: Жузжоний А. Ш. Тасаввуф ва инсон. – Тошкент: Адолат, 2001. – 89 б.

<sup>5</sup> Омельченко Е.А. Педагогика семейного воспитания. – Новосибирск, 2012.

Олий таълим педагогикасини модернизациялашнинг аксиологик асослари комплекс тадқиқ этилмагани боис мазкур мавзу билан боғлиқ кенг қўламли илмий тадқиқотлар олиб бориш тақозо этилади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг “Юксак маънавиятли шахсни шакллантириш тарбия технологиясини ишлаб чиқиш (ИТД-4-122.2009–2011 йй.)” мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** олий таълим педагогикасини модернизациялашнинг аксиологик асослари моҳияти, муаммолари ва унинг концептуал асосларини таҳлил қилиш ҳамда такомиллаштириш моделини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида олий таълимни модернизациялаштириш жараёнида аксиологик ёндашувлардан фойдаланиш тизими белгилаб олинди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни олий таълим педагогикасини аксиологик модернизациялаш концепцияси, талабалар онгида қадриятларга оид дунёқарашни шакллантиришнинг стратегик тараққиёт жараёнидаги таълим-тарбия динамикаси ва таснифи ташкил этади.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

олий таълим педагогикасининг аксиологик жиҳатларини ёритиб бериш; талабалар онгида аксиологик дунёқарашни ривожлантириш тузилмаси ва таркибий асосларини аниқлаштириш;

таълим-тарбия жараёнини аксиологик модернизациялашнинг мақбул йўлларини ишлаб чиқиш;

олий таълим тизимида аксиологик билимларни қўллашнинг истиқболли йўналишларига доир тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда объективлик, ўзаро алоқадорлик, нисбийлик диалектикаси, назарий-методологик ва мантиқий таҳлил, далиллар тизимини яратиш, қиёсий ҳамда ретроспектив таҳлил, объектив кузатув, ўз-ўзини кузатиш, сўровнома, суҳбат, контент-таҳлил, тадқиқотнинг илмий хулосаларни умумлаштириш ва изоҳлаш, библиографик таҳлил усуллари билан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

олий таълим педагогикасининг аксиологик жиҳатлари бўлажак мутахассисларнинг касбий ижтимоийлашуви детерминанти сифатида қадриятли йўналганликнинг технологик ва шахсий-ижодий асосларини ўз-ўзини англашнинг “Олам – Мен – Келажак” триадаси билан архитектурани уйғунлиги барқарорлигига эришишни таъминланишини илмий асослаш орқали аниқлаштирилган;

талабаларда аксиологик дунёқарашни ривожлантириш тузилмаси интеллектуал-маданий салоҳиятнинг мотивацион, когнитив, креатив компонентларини хотира ва ўйлаш тезлигини (IQ-интеллект коэффиценти) генетик, миллий, тарихий, технологик омиллар билан бевосита ва билвосита

боғлиқлигини микро, макро ва мегомуҳит таъсири билан трансформациялашув даражаси идентиклигини ҳиссий-тимсолий негизда белгилаш орқали аниқлаштирилган;

таълим-тарбия жараёнини аксиологик модернизациялашнинг мақбул ечимлари кадриятлар тизимининг ижтимоий буюртмага мувофиқлиги, ўқитиш сифатини белгилашда аксиологик мониторинг индикаторларига устуворлик бериш, таълим мазмунини танлашда таянч, вариатив, кадриятли негизларга таяниш каби педагогик шарт-шароитларнинг кооперация технологияси билан адаптивлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

олий таълим тизимида аксиологик билимларни қўллашда талабаларнинг конструктив сиёсий фаоллигини ошириш, толерантлик тафаккурни ривожлантириш, терминал ва инструментал кадриятларни маънавий фазилатлар (компетенциялар) тарзида ички англанишига эришиш каби истиқболли йўналишлари глобал таълимга асосланган планетар фикрлаш услубининг ақл соҳаси (ноосфера) билан интеграллашувини ҳисобга олиш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

“аксиология” тушунчасининг генезиси ва моҳияти педагогик категориялар асосида классификацияланган ҳамда стратегик тараққиёт жараёнида аксиологик таълим-тарбия динамикаси аниқланган;

миллий урф-одат ва анъаналарнинг таълим-тарбия жараёнида қўллаш усулларининг модуллаштирилган ишланмаси ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон олий таълим тизимида аксиологик билимларни қўллаш ҳамда талабалар аксиологик дунёқарашини етарли даражада шакллантиришга йўналтирилган методлар, интерактив семинарлар ташкил этиш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш учун вариатив дастур ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланган ёндашув усуллар ва маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, саралаб олинган манбаларнинг репрезентативлиги ва ишончлилиги, келтирилган таҳлиллар ва педагогик тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик усулларига асосланганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олий таълим педагогикасида аксиологик модернизациялаш усулларининг жорий қилинганлиги ҳамда ёшларда миллий ва умуминсоний кадриятларга содиқлик даражасини белгиловчи мезонларнинг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти** миллий урф-одат ва анъаналарни таълим-тарбия жараёнида қўллаш усулларининг модуллаштирилган ишланмаси, талабалар аксиологик дунёқарашини етарли даражада шакллантиришга йўналтирилган методлар, интерактив



семинарлардан ёшлар онгида аксиологик дунёқарашни шакллантиришда кенг қўламда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ёшлар онгида аксиологик дунёқарашни шакллантиришда талабаларни интеллектуал-маданий ривожлантиришнинг дидактик асосларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

олий таълим педагогикасининг аксиологик жиҳатлари бўлажак мутахассисларнинг касбий ижтимоийлашуви детерминанти сифатида қадриятли йўналганликнинг технологик ва шахсий-ижодий асослари ҳамда талабаларда аксиологик дунёқарашни ривожлантириш тузилмасини аниқлаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан Тошкент давлат педагогика университети ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетларида педагогиканинг аксиологик модернизациялаш концепцияси, талабалар онгида аксиологик таълим-тарбия динамикаси таснифини ташкил этишни такомиллаштиришда фойдаланилган ва ижобий натижаларга эришилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 24 январдаги 89-03-295-сон маълумотномаси). Ушбу илмий-тадқиқот иши натижаларидан миллий урф-одат ва анъаналарнинг таълим-тарбия жараёнида қўлланилиш усуллари, олий таълим тизимида аксиологик билимларни қўллаш истиқболлари концепцияси ишлаб чиқилган;

таълим-тарбия жараёнини аксиологик модернизациялашнинг мақбул ечимлари қадриятлар тизимининг ижтимоий буюртмага мувофиқлиги, ўқитиш сифатини белгилашда аксиологик мониторинг индикаторларига устуворлик бериш, таълим мазмунини танлашда таянч, вариатив, қадриятли негизларга таяниш каби педагогик шарт-шароитларнинг кооперация технологияси билан адаптивлигини таъминлаш асосида такомиллаштиришга оид таклифларидан Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг “Mahalla” телерадиоканали томонидан тайёрланган “Хизмат доирасида” ва “Журналист нигоҳида” кўрсатувларини тайёрлаш жараёнида татбиққа тортилган. (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Маҳалла” телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2020 йил 7 октябрдаги 01-16-370-сон маълумотномаси). Натижада, телетомошабинлар, қолаверса, халқимиз, айниқса, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар бўйича маълум билим ҳамда кўникмаларга эга бўлиши, миллий қадриятлар мавзудаги туркум теледастурларнинг мазмун-мундарижасини янада бойитиш ва сифатини оширишга эришилган;

олий таълим тизимида аксиологик билимларни қўллашда талабаларнинг конструктив сиёсий фаоллигини ошириш, толерантлик тафаккурни ривожлантириш, терминал ва инструментал қадриятларни маънавий фазилатлар (компетенциялар) тарзида ички англанишига эришиш каби истиқболли йўналишларини такомиллаштиришга оид таклифлардан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида 2015–2017 йилларда бажарилган А-1-37 – “Инсон капиталини ривожлантиришда миллий ва умуминсоний

қадриятларнинг ўрни ва ролининг ижтимоий-педагогик жиҳатларини илмий-амалий тадқиқ этиш” мавзусидаги грант лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 24 январдаги 89-03-295-сон маълумотномаси). Натижада, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида яшовчи ёшлар орасида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг самарали тарғиботида ижобий натижага эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 4 та халқаро ва 15 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 1 та ўқув-услугий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола; шундан 9 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 156 саҳифани ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиш борасидаги маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Аксиологиянинг генезиси, моҳияти ва олий таълим педагогикасини модернизациялашдаги назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида “аксиология” тушунчасининг генезиси, моҳияти, аксиологик категориялар классификацияси олий таълим педагогикасини модернизациялашда аксиологик методнинг ўрни ва аҳамияти ҳамда муаммонинг назарий ва амалий жиҳати тадқиқ этилган.

Маълумки, аксиология ўзига хос, мураккаб фан тармоғи бўлиб, жамият ва шахснинг ўзаро ҳаракатларига оид турли шакл ҳамда даражалар, шунингдек, шахс учун ўзаро ички ҳамда ташқи алоқаларнинг маълум бир шакллари, шахснинг атроф-муҳитга бўлган муносабати, ўтмиши, бугуни ва келажаги, ўз “мен”и моҳиятини англаш борасидаги махсус шаклларни ўзига жамлаганлиги билан характерланади.

Барчамизга аёнки, илк аксиологик ғоялар қадимий тарихга эга бўлиб, унинг гуллаб-яшнаши Афина демократияси даврига бориб тақалади. Масалан, қадимги юнон файласуфи Сукрот доимо **“Манфаатлар ўзи нима?”**, - деган саволга жавоб топишга ҳаракат қилганлиги фикримизга мисол бўла

олади. Демак, манфаат – аксиологик назариянинг асосий мавзуларидан бири эканлиги шубҳасиз<sup>6</sup>.

Немис файласуфи И.Кантнинг фикрича, кадриятлар инсонни осмону фалакка кўтариб улуғлаши ёки ахлоқий фазилатлардан узоқ кишини эса тубанликка етаклаши мумкин<sup>7</sup>, деб таъкидланган бўлса, И.Т.Фроловнинг 1980 йилда нашр қилинган “Фалсафа” луғатида “Аксиология – бу кадриятлар хусусиятини фалсафий тадқиқ этиш бўлиб, XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида шакллланган”, деган ғоя илгари сурилган<sup>8</sup>.

Педагогик жараёнлар ва ҳодисаларни ўрганишга нисбатан аксиологик ёндашув инсоннинг маданий кадриятларига хос жиҳатларни кўриш имконини беради. Инсон ва жамият тўғрисидаги қатор фанлар бир-бири билан кесишган жойда вужудга келган “Аксиология” тушунчаси генезисига оид манбаларда турлича фикрлар мавжуд. Айрим манбаларда “аксиология” тушунчаси илмий муомалага илк бор Т.Парсон томонидан киритилган<sup>9</sup>, дея қайд этилган бўлса, бошқаларида эса мазкур атама XIX асрнинг иккинчи ярмида немис олими Э.Гартман ва француз олими П.Лапилар томонидан илмий муомалага киритилган, - деган қарашлар мавжуд.

Аксиология йиллар давомида ўзига хос тарихий ривожланиш йўлини босиб ўтди. Жумладан, ибтидоий жамоа тузуми даврида инсон қўл меҳнати натижаси сифатида тананинг мукаммаллашуви ва турли меҳнат қуролларини эъзозлаган бўлса, қулдорлик даврида эса қишлоқ хўжалиги ҳамда давлат бошқарувида ўзига хос даража ҳамда поғоналарга эришиш кадриятга айланган эди. Феодализм ва капиталистик тузум даврларида инсон нафақат қишлоқ хўжалиги ва маданият, шу билан бирга, саноат ҳамда ишлаб чиқаришда катта муваффақиятларни қўлга киритиши натижасида билим – кадрият даражасига кўтарилди. Собиқ совет тузуми даврида эса саноат ва техника кадрланди. Мазкур йўналишда янги турдаги шахснинг шаклланиши саноатлашув даврида юзага келган кадриятларнинг алмашинуви, жамиятдаги ижтимоий муносабатлар тизимида ўз йўлини ўзи белгилаш ва қобилятини намоён эта билишни назарда тутди.

Умуман олганда, “аксиология” тушунчасининг генезиси узоқ тарихга эга бўлса-да, XX асрнинг 80-йилларига келиб аксиология илк бор илмий муомалада категория сифатида қўлланила бошланди. Зеро, аксиологик тадқиқотлар ва тушунчаларнинг барча қирралари ҳали тўла очилмаган. Шу боис, биз томонимиздан тавсия этилаётган аксиологик классификация кейинги тадқиқотларда янада тўлдирилиши мумкин.

XX асрнинг иккинчи ярмида тамаддун инқирозини англаш жараёнининг кучайганлиги сабабли аксиологик категорияларнинг асосий тушунчаларидан бири “кадриятларни оммавий қайта баҳолаш” учун зарурат юзага келганлиги ва ушбу фанга оид замонавий ёндашувлар акс этган.

<sup>6</sup> Киссель М.А. Ценностей теория / Философский энциклопедический словарь. – М., 1989. – С. 2.

<sup>7</sup> Кант И. Сочинения в 6 томах. Т. 4. – М., 1980. – С. 282.

<sup>8</sup> Философский словарь / Под.ред. И. Т.Фролова. 4-е изд. – М.: Политиздат, 1980. – С. 444.

<sup>9</sup> Парсон Т. Система современных обществ. – М.: Аспект-Пресс, 1997. – С.270.

Қадриятлар объектив ва субъективлигига кўра, моддий ҳамда маънавий; маконда тарқалишига кўра, худудий, минтақавий ва умумдунёвий; ижтимоий ҳаёт соҳаларида намоён бўлиш шаклига кўра, сиёсий, ижтимоий-маданий ҳамда иқтисодий; стратификацияга кўра, синфий, партиявий ва гуруҳий; этномаданий ҳамда антропологик хусусиятига кўра, миллий ва умуминсоний; хронологиясига кўра, тарихий ва умрбоқий; инсон ижтимоий маданий фаолиятининг белгиси сифатида намоён бўлиш шаклига кўра, мавжуд нормаларни ўзлаштириш, янги нормаларни шакллантириш; функционал мақсадларига кўра, бошқариш, координациялаш ҳамда тадрижий ривожланишни ташкил этиш каби йўналишларга классификация қилиниши мумкин. Албатта, қадриятларни ахлоқий-этик, ижтимоий-сиёсий, ташкилий-педагогик хусусиятлари, шахс ва жамият манфаатларига мос келишига қараб ҳам классификациялаш мумкин<sup>10</sup>.

Бу борада аксиологик классификациянинг илмий асосланган принципларини ишлаб чиқиш зарур. Ушбу хулосалардан келиб чиққан ҳолда, диссертацияда аввало, аксиологик категориялар таснифи берилди (1-расм).



1-расм. Аксиологик категориялар классификацияси

XX асрнинг 80-йилларида рўй берган иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар Республикадаги таълим тизимини хавотирли нуқтага олиб келиб қўйганлиги оқибатида ёш авлоднинг маънавий ҳамда жисмоний инқирози белгиларини пайдо қила бошлаганлиги, собиқ иттифоқ даврида аксиология аниқ фан даражасига етган илмий тизим сифатида шаклланмаганлиги, XX асрнинг 60-йилларигача юртимизда ушбу соҳада тадқиқотлар олиб борилмаганлиги, 90-йилларгача фалсафий қўлланма ва дарсликларда ҳам мазкур мавзу алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўз аксини топмаганлиги аниқланган.

<sup>10</sup>Основы философии. – Ташкент: Узбекистан, 1998. – С. 369–370.

Маълумки, мамлакатимизда изчил давом этаётган янги демократик жамият қуриш жараёни кадриятлар мавзусининг долзарблигини кучайтиради. Бугунги кунда кадриятларни қайта баҳолаш, азалий миллий кадриятларни тиклаш, асраб-авайлаш ва келажак авлодларга безавол етказиш, ислохот ҳамда ўзгаришларнинг халқимиз онгида янгича кадриятга айланиб бораётган жиҳатларини аниқлаш, мавжуд муаммоларни ҳал қилишда ана шу кадриятларга мос усулларни қўллаш каби масалалар пайдо бўлди.

Замонавий олий таълимни ривожлантиришнинг зарурий эҳтиёжи – аксиологик муаммоларни тадқиқ этиш, миллий ва умуминсоний кадриятлар, талабанинг маънавий-ижтимоий муаммоларини устувор вазифалардан бирига айлантирмоқда. Зеро, кадриятлар ўтмиш ва келажакни боғловчи восита саналиб, улар эҳтиёж-ҳиссиёт соҳаси ва субъект-шахс фаолиятида ўзлаштирилган, эътироф этилган ҳамда намоён бўлган ҳолда шахснинг касб соҳасини янада чуқур ўзлаштиришига бевосита таъсир кўрсатади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Шарқ ва Ғарб педагогик меросининг аксиологик таҳлили”** деб аталиб, ушбу бобда Шарқ алломаларининг миллий ҳамда маънавий кадриятларидан фойдаланиш усул ва услублари тўғрисидаги қарашлар, Шарқ педагогикаси ҳамда Европа мамлакатлари тарихида таълим жараёнига аксиологик билимларни қўллаш, замонавий педагог-олимлар асарларида модернизацион аксиологик таълим-тарбия услублари ўрганилган.

Маълумки, Шарқона таълим-тарбиянинг ўзига хос хусусиятларидан бири бу, энг аввало, тоза насл-насаб, хотира ва мантиққа алоҳида эътибор қаратилганлигидир. Улар аксиология тушунчасидан фойдаланмаган бўлсалар-да, ахлоқий камолот ва мукамаллик ҳақидаги ғоялари илм-фан, маданият, санъат, адабиёт, фалсафий, диний фикрлар тараққиёти инсоният тафаккур хазинасига қўшилган катта ҳисса бўлиб, асрлар мобайнида неча-неча авлодларимизни ўзининг сермазмунлиги, универсаллиги ва инсонпарварлиги билан ҳайратга солиб, дунё тан олган, илмнинг мукамал чўққисини эгаллаган.

Шунингдек мазкур бобда Абу Наср Форобий, Имом Исмоил ал-Бухорий, Нажмиддин Кубро ва Алишер Навоий каби алломаларнинг аксиологик қарашлари ўрганилган, инсон камолотидаги илм-фаннинг тутган ўрни, ахлоқий ҳамда ақлий тарбиянинг аҳамияти таҳлил қилинган.

Шарқ алломаларининг миллий ва маънавий кадриятлардан фойдаланиш услублари педагогика тарихида қадим замонлардан то ҳозирги кунгача ўз аҳамиятини тўлақонли сақлаб келмоқда. Ҳар бир ижтимоий тузум, унинг келажаги, инсоният истиқболи, кишиларнинг ҳаёт ва турмуш даражаси фан ва маданият тараққиёти билан бевосита боғлиқлигини буюк мутафаккирлар— Абу Наср Форобий, Алишер Навоий, Имом ал-Бухорий ва Кайковусларнинг ёзиб қолдирилган ноёб асарлари орқали ўрганмоқда. Хусусан, Абу Наср Форобий таълим-тарбияни тўғри йўлга қўйиш орқали кадриятлар

уйғунлигига эришиш мумкинлиги ҳамда таълим-тарбия ва кадрларнинг асосий вазифаси жамият талабларига жавоб берадиган ҳамда ушбу жамият учун хизмат қиладиган етук инсонни тарбиялашдан иборат, деб билади.

Замонавий педагогикада тез-тез “аксиология”, “кадрият” ва “аксиологик ёндашув” тушунчалари қўлланилмоқда. Аксиологик маънога эга бўлган дастлабки фалсафий тушунчалар антик фалсафа ибтидосядаёқ бошланғич онтологик категориялар билан биргаликда юзага келди.

Таҳлилларимиз асосида, бизнингча, қадимги архаик қарашларда – аксиологик қарашлар кадрият категорияси сифатида талқин этилиб, инсон рухиятининг ахлоқий тақомилида деб билишганида кўринади.

Хориж тадқиқотчиларидан Ш.Бюлер, Э.Шпрангер, Х.Зельцман, И.Песталоцци, О.Гуммерц ва Т.Циен кабилар ўз асарларида ёшлар муаммоларини кенг кўламда таҳлил қилганлар.

Ғарбий Европа тадқиқотчиларининг изланишлари кўпроқ социологик характерга эга бўлиб, уларда ёшлар ўз кадриятлари ва қизиқишларига эга алоҳида гуруҳ, ҳатто синф сифатида қарашлар мавжуд. Бироқ, уларда ёшлар томонидан эъзозланадиган кадриятлар, нормалар ва турмуш тарзи кенг ижтимоий муносабатлар, сиёсий, иқтисодий ҳамда маданий жараёнларнинг таъсири эмас, балки индивид, гуруҳ ёки бирор-бир қатламнинг ички функционал хусусиятлари ҳамда қизиқишларининг белгилари сифатида қаралади.

XX асрнинг 60- йилларида кўтарилган ёшларнинг турли ижтимоий-сиёсий ҳаракатлари муаммони жамият мақсади ва манфаатлари билан боғлаб ўрганишни тақозо этди. Психоаналитик, психобиологик ва антропологик ёндашувлар ижтимоий (социологик) ёндашув билан уйғунликда ўрганиладиган бўлди. Бу ўринда Л.Розенмайер, Г.Вурцбахер, Г.Кройтц, К.Аллербек ва Г.Гризеларнинг тадқиқотларини алоҳида қайд этиш керак. Ушбу тадқиқотларда бир томондан, мавжуд тузумдаги салбий ҳолатлар, ёшларнинг “ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги” танқид қилинса, иккинчи томондан, ёшларни “алоҳида табақа” сифатида қараш, мавжуд муаммоларни ноформал гуруҳлар ва уларга хос маданий масалаларни ўрганиш орқали ҳал қилишга интилиш кўзга ташланади.

Маълумки, мустақилликдан сўнг Ж.Туленов, Э.Юсупов, Д.Ҳабибуллаева ва Қ.Назаровлар томонидан аксиологиянинг у ёки бу соҳаларини тадқиқ этилди. Ҳозирги кунда россиялик олимлар В.А. Сластенин ва Г.И. Чижаквалар эса мавжуд камчиликларни тўлдирган ҳолда илмий муомалага “олий таълим аксиологияси” тушунчаси тавсия этилмоқда.

Замонавий педагогик назария ва амалиётда мутахассисларни тайёрлашга нисбатан шахс-мўлжалли ёндашув алоҳида ўрин тутди. Шахс-мўлжалли таълим концепцияси назарий қондасининг устуворлиги чуқур билимли мутахассисни шакллантириш табиати ва шартларини очиб беришда кўринади. Касбий асосланганлик – маълум бир касбий ваколатларга эга замонавий мутахассиснинг тизимни ташкил этувчи хусусиятидир. Асосида

билим, қобилият ва малака каби таълим унсурлари бўлган фаолиятли ёндашувдан фарқли равишда салоҳиятли ёндашув ўз ичига билим, қобилият ҳамда тажрибани қамраб олади<sup>11</sup>.

Диссертациянинг “**Модернизацион аксиологик таълим-тарбиянинг назарий асослари**” деб номланган учинчи бобида замонавий талабалар онгида аксиологик дунёқарашни шакллантиришнинг педагогик муаммолари, таълим-тарбия жараёнини аксиологик модернизациялашнинг замонавий ечимлари мазмуни ва натижалари ёритиб берилган, шунингдек, ҳозирги кун талабалари онгида аксиологик дунёқарашни шакллантириш муҳим устувор вазифага айланиб бораётганлиги, таълимда билим бериш моделидан уни самарали ишлата билиш ва инновациялар яратишга ўргатиш услубига ўтиш муҳим аҳамият касб этаётганлиги таҳлил қилинган.

Инсон капиталига йўналтирилаётган инвестиция ва қўйилмаларнинг ўсиши, ҳозирги замонда демократик тараққиёт, модернизация ҳамда янгиланиш борасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим кадрият ва ҳал қилувчи куч бўлган билимли, шунингдек, интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш вазифасини доимо ўзининг асосий устувор йўналишлари қаторига қўядиган давлатгина ўзини намоён эта олиши мумкин.

Олий таълим аксиологиясини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари тажриба-эксперимент ишларининг бориши ва натижалари таълим сифатини ошириш омили сифатида талабалар онгига аксиологик дунёқарашни шакллантиришни ривожлантиришга кўмаклашувчи педагогик шарт-шароитларни аниқлашга имкон берди:

–таълим жараёнида аксиологик ёндашув устувор;

–таълим мониторинги тизимида аксиологик мониторинг индикатори киритилади;

–олий ўқув юртлари таълим жараёнидаги базисли (Давлат таълим стандарти), вариантли ва кадрият (аксиология) бўғинларининг ўзаро нисбати тавсифи ўрнатилади;

–таълим жараёни субъектларининг ўзаро мунозарали ҳаракати яратилади;

–таълимнинг тутган ўрни ва ижтимоий шаклига кўра, турини эркин танлаш асосида касб ҳамда ўрганиш соҳаларида талабаларнинг ўз йўлини белгилаш вазиятлари фаоллаштирилади (талабаларни турли таълим шакллари амалиёт, мунозара, тренингларга боғлаш ва шу орқали турли вазифаларни бажариш касб ҳамда ўрганиш соҳасида ўз йўлини ўзи белгилаш имкониятини назарда тутди).

Хулоса қилиб ифодалаганда, ижтимоий ривожланиш жараёнида кадриятлар ўзгаради ва мукамаллашади. Ўтмишда инсоният учун кадрли бўлган нарса ва ҳодисалар бугун кадрият бўлмаслиги, келажакда эса янги кадриятлар пайдо бўлиши билан бир қаторда ўтмишдаги кадриятларга “қайтиш” мумкин. Бугун аксиология соҳаси ўз ривожини янги босқичида

<sup>11</sup> Бондаревская Е.В. Гуманистическая парадигма личностно ориентированного образования. Педагогика. – 1997. – С. 4–11, 17.

турибди. Имкониятларга эга бўлган ахборот ва алоқа технологиялари ҳозирда нафақат инсониятни ўзаро яқинлашувини тезлаштирмакда, балки кадриятлар тизими модернизациясига шароит яратмакда.

Ўз ўрнида шуни қайд этиш керакки, миллий педагогика ўзининг муайян ҳудудий хусусиятлари, аҳолисининг менталитетига мослиги, нисбатан янгилиги ва юқори самарадорлиги билан бошқа педагогик тизимлардан фарқланади.

Маълумки, Совет даврида Ўзбекистоннинг ўқув юртларида коммунизм мафкурасига бўйсундирилган ва фақат “Марказ” педагог-олимлари томонидан ёзилиб, Ўзбекистонда таржима қилинган дарсликлардан фойдаланиб келинган. Натижада, ёш авлод ота-боболардан мерос қолган миллий педагогика, маънавият ва маданият хазинасидан бебаҳра бўлиб келди. Шунинг учун ҳам, шу кундаги педагогикада олиб борилаётган ислохотлар жараёнида “совет педагогикаси”дан воз кечилиб, миллий педагогиканинг назарий ва амалий асослари яратилди.

Юқорида қайд этилганларни ҳисобга олиб, интеллектуал таълим тизими босқичларининг самарадорлигини таъминлашда қуйидаги инновацион вазибаларни бажариш зарур:

1. Мактабгача таълим тизимида боланинг қобилиятини **IQ** (интеллект коэффициент)ни қайси соҳага дахлдорлигини аниқлаш.

2. Умумий таълим (1–11 синфлар)да ҳар йили интеллект коэффициенти (**IQ**) ўсишини таъминлаш ва унинг ўсиш омилларини чуқур таҳлил қилиш, махсус тестлар орқали юқори синфларда қобилият соҳасига мос келадиган коллежлар турини белгилаб бериш.

3. Ўрта махсус, касб-хунар тизимида аниқланган қобилиятини соҳаси бўйича қабул қилиш ва шу соҳада бор билимларни эгаллаш ва уларни ўз соҳасида самарали ишлатишга ўргатиш. Ҳар йил ақлий қобилияти (**IQ**) нинг ўсиш омилларини таҳлил қилиш.

4. Бакалавр босқичида хориждаги янги билимларни турли хил соҳада тўлиқ ишлатишга ўргатиш.

5. Магистратура босқичида дунёда яратилаётган инновацияларни Интернет орқали олиб, модернизациялаш ва Ўзбекистон иқтисодиётига жорий этиш усуларини диссертацияларда тадқиқ этиш (хорижий тиллар, айниқса, инглиз тилини мукамал ўрганиш).

6. Докторантура босқичида янги инновациялар ва ғояларни диссертацияларда тадқиқ этиб, амалиётга жорий этиш ҳамда экспорт қилишга ўргатиш.

7. Таълимдаги сифат оиладаги ҳаёт даражасининг ўсиш ўлчовига боғлиқ.

Интеллект муаммоси жаҳон ва миллий доирада кўп тадқиқ этилганига қарамай, ҳозирги вақтгача муаммоли тавсифга эга бўлиб қолмакда, чунки бугунги кунгача “интеллект” тушунчасининг хилма-хил таърифлари мавжуд бўлса ҳам, шахс сифатини ифода этувчи мазкур тушунчада тадқиқ этилаётган объектнинг ёш ва психологик хусусиятларини ҳисобга олиш талаб этилади.



Ана шу нуқтаи назардан замонавий талабаларни интеллектуал ривожлантириш деганда, шахсининг мантикий, абстракт, ижодий фикрлаш ҳамда эгалланган билим, кўникма ва малакаларни амалиётда қўллаш олиш доирасини кенгайтириш, аудитория ва аудиториядан ташқаридаги машғулотларда қўлланиладиган метод ва усуллардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш воситасида субъект – объект тавсифидаги вазифаларни ҳал этиш жараёни тушунилади.

Диссертациянинг тўртинчи боби **“Талабалар онгида аксиологик дунёқарашни шакллантиришнинг услублари: ташхис, амалиёт ҳамда башорат”** деб номланиб, бунда миллий урф-одат ва анъаналарнинг таълим-тарбия жараёнида қўлланилиш усуллари ишланмаси, Ўзбекистон олий таълим тизимига аксиологик билимларни қўллаш истиқболлари мазмуни ва натижалари ёритиб берилган. Шунингдек, талабаларга хос кадриятларнинг ривожланиш даражасини аниқловчи ташхис турларидан: социологик сўровнома, кузатув, педагогик суҳбатлар натижалари келтирилган. Тадқиқотимиз натижасида талабалардаги устувор кадриятлар аниқланиб, тизимлаштирилган.

Таҳлил шуни кўрсатадики, тажриба-синовидан ўтган жами талабаларнинг 50 фоиздан сал кўпроғигина қизиқиш билан ўқиркан, яъни интеллектуал имконият тўлиқ ишга тушмаган. Бироқ, деярли ҳар ўнта талабадан биттаси ўз соҳасига қизиқиб ёндашмайди. Айнан ушбу ҳолат билишнинг барқарор асосини шакллантириш вазифаси саналади. Бу эса ўз навбатида, бутун умр давомида мустақил ўқиб-ўрганишни ривожлантиришга ёрдам беради.

“Сиз магистратурада мутахассислик бўйича олий маълумот олишни истайсизми?” деган саволга 89% талаба “ҳа”, деб жавоб берган. Ушбу рақам юқори босқичларда 96%, биринчи босқичда эса 83%ни ташкил этди. Масалан, 1-гуруҳда 8 нафар талаба олий магистратура таълими олишни истамаган. Иккинчи махсус таълимни 70% талаба (1-босқич – 60%, 4-босқич – 81%) олишни истаган.

Айни пайтда ҳам касбий жиҳатдан, ҳам шахсий ва жамият ҳаётида узлуксиз тайёргарлик асоси сифатида бутун умр ўқиш қобилияти ва истагини амалга ошириш энг асосий мезон саналади. Ушбу салоҳият битирувчиларда етарлича ривожланмаган. Маълумки, ҳозирда ишлаётганларнинг 45 фоизигина ўз мутахассислиги бўйича фаолият олиб боради, 70% ўзига берилаётган иш ҳақидан қониқмайди, деярли ярми (48%) эса ўз ишини ўзгартиришни истайди. Ушбу кўрсаткич динамикаси шундайки, таълим жараёнида битирувчиларда кейинги фаолиятлари давомида мустақил ўқишни ўрганишга нисбатан қобилиятлари ривожланади.

Таълим сифати самараси талабаларда олий таълимни аксиологияси ривожланишининг натижаси сифатида иккита омилга боғлиқ. Биринчи омил – ташкилотчиларнинг таълим фаолияти мазмуни ва педагогик маҳорати (ўқитувчилар малакаси ва уларнинг талабалар аудиторияси билан мулоқот

қилиш маҳорати). Иккинчи омил талабаларнинг таълим жараёнига фаол қўшилиши ва ўқув субъекти сифатидаги асосларига боғлиқ.

Талабаларнинг ўқишдаги қийинчиликлари таҳлил қилинса, уларнинг юриш-туришлари, хулқини янада чуқур тушуниш мумкин. Сўровнома натижалари шундай кўриниш олди:

1. Семинарларга тайёрланиш ва лаборатория машғулотларига вақт етишмайди – 49%;

2. Одатда, ўқув кунни охирида ўзимни жуда чарчаган ҳис этаман – 15%;

3. Кўпгина дарслар зерикарли ва қизиқарсиз бўлади – 12%;

4. Айрим ўқитувчилар адолатсиз баҳо қўяди – 11%;

5. Бир қатор фанлар бўйича мавзуларни тушуниш ва ўзлаштириш қийин кечади – 8%.

Кўришиб турибдики, талабаларнинг ярмида машғулотларга тайёрланишга вақт етмайди, кўпчилиги эса куннинг охирида жуда толиқиб қолади. Яна 12% талаба қизиқиш бўлмагани учун дарсларда зерикади, яъни ушбу талабаларнинг таълим олиш истаклари жуда паст. 8% талаба ўқув материални тушуниш қийинлиги учун қўшимча машғулотларни талаб қилган. Ушбу барча сабаблар таълим сифатига салбий таъсир кўрсатади.

Тажриба-синов ишлари учун танланган объектларда талабалар аксиологик дунёқарашни шакллантириш тизимини етарли даражада шаклланганлигини аниқлаш мақсадида тажриба бошида ва тажриба охирида ишлаб чиқилган топшириқлар асосида натижалар олинди.

Ушбу натижаларнинг статистик таҳлили, яъни олинган натижаларнинг ишончлиги ва самарадорликка эгаллигини текшириш мақсадида математик-статистик усуллардан фойдаланилди.

Тажриба-синов ишларининг статистик таҳлилининг амалга ошириш мақсадида Стъудент-Фишернинг мувофиқлик критериясидан фойдаланилди. Бунда қуйидаги статистик кўрсаткич ва статистик гипотезалар танлаб олинди:

Тажриба гуруҳлари учун ўртача қиймат:  $\bar{X} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n=3} n_i x_i$

Назорат гуруҳлари учун эса ўртача қиймат:  $\bar{Y} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n=3} n_i y_i$


Тажриба гуруҳларининг ўртача қийматининг назорат гуруҳлари ўртача қийматларига нисбати, яъни самарадорлик коэффиценти сифатида

$\eta = \frac{\bar{X}}{\bar{Y}}$  формулалар орқали ҳисобланди.

Полигонда қайд этилган графиклардан англанадики, бу танланмалар учун мос ўрта қийматлар ҳам  $X=Y$  шартларни қаноатлантиришини олдиндан кўрсатади. Уларни қуйидаги формула асосида ҳисоблаймиз:

$$\bar{X} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^3 n_i X_i = \frac{1}{454} (45 \cdot 5 + 181 \cdot 4 + 228 \cdot 3) = 3,60$$

$$\bar{Y} = \frac{1}{m} \sum_{j=1}^3 n_j Y_j = \frac{1}{452} (44 \cdot 5 + 180 \cdot 4 + 228 \cdot 3) = 3,59$$



## 2-расм. Тажриба ва назорат гуруҳларининг қиёслама кўрсаткичлари

Демак, тажриба гуруҳида ўртача ўзлаштириш назорат гуруҳидагидан ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи бир-бирига тенг экан:  $\bar{X} = \bar{Y}$ . Бу эса ўз навбатида дастлабки босқичда ўтказилган тажриба-синов ишларида ҳар иккала гуруҳларда билим даражаси бир хиллиги ва тажриба-синов ишларида танлаб олинган иккала гуруҳларнинг билим даражаси бир хил деган хулосага келишга асос бўлади.

Ушбу статистик натижаларни тажриба бошидаги тажриба ва назорат гуруҳларининг барча объектлар бўйича қийматлари ҳисобланди.

Барча объектларда олинган натижалар ҳам ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари деярли бир-бирига тенг бўлиб, фишернинг эмпирик қиймати критик қийматдан кичиклигини ва ўқитиш сифатини баҳоловчи кўрсаткичнинг бирдан кичиклигини ва талабаларнинг билиш даражасини баҳолаш кўрсаткичи нолдан кичик бўлгани учун  $H_0$  гипотезани қабул қилинишига асос бўлади. Бу эса дастлабки босқичда олинган натижалар бир-бири билан тенг, деган хулоса чиқаришга олиб келади.

